

2022-YIL

3-SON

Ijtimoiy fanlar jurnali

Social sciences / Социальные науки

Tarix

Falsafa

Filologiya

Pedagogika



IJTIMOIIY FANLAR

ilmiy, ijtimoiy va tarixiy jurnal

СОЦИАЛЬНЫЕ НАУКИ

научный, общественный и исторический журнал

SOCIAL SCIENCES

scientific, social and historical journal

Qarshi-2022



	<p style="text-align: center;">IJTIMOIY FANLAR СОЦИАЛЬНЫЕ НАУКИ SOCIAL SCIENCES</p>
<p>Ilmiy, ijtimoiy va tarixiy jurnal 2022 yilda tashkil qilingan</p>	<p style="text-align: center;">2022/2(03)-SON</p>
<p>Muassis: Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti</p> <p>Manzil: 180100, Qarshi shahri, Mustaqillik shoh ko'chasi, 225. Telefon: 0375 221 09 23 (94) 521 00 41</p> <p>Sayt: http://qmii.uz E-mail: ijtimoiy@qmii.uz Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2021 yil 1 noyabrda ro'yxatga olingan va 1456-raqamli guvohnoma berilgan.</p> <p>Nashr indeksi - 4074 ISSN 2181-2845 3-sonli nashr. Terishga topshirilgan sana 07.07.2022 y. Nashrga ruxsat berilgan sana 08.07.2022 y. Chop etilgan sana 08.07.2022 y. Bichimi 60x84 1/8. Times gamiturasi. Shartli bosma tabog'i 6,26. Nashr bosma tabog'i 6,25. Adadi 100. Buyurtma QarMII "INTELLEKT" nashriyoti MIUda chop etildi. Qarshi shahri, Mustaqillik shoh ko'chasi, 225.</p>	<p style="text-align: center;">MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT TARIX / ИСТОРИЯ / HISTORY</p> <p>Veli Savaş YELOK, milliy uyanisha hizmet eden bir gazete: sâdâ-yi fergana.....5 Ражабов Қ. “Буёқ бурилиш йили” ва ундан кейин Ўзбекистон ССРда сиёсий катағонларнинг авж олиши.....13 Бўриев О., Очилова Х. Ўзбекларда белбоғ билан боғлиқ эътиқод ва удумлар (Қашқадарё воҳаси мисолида).....23 Орзиев М., Одинаева У. Ғарбий европа шаҳарларида ҳуқуқий эркинлик учун ҳаракатлар тарихидан.....32 Жўраев Ш., Равшанов Ў. “Из истории культурного наследия бухары” тўпламида музей экспонатларининг ўрганилиши.....36</p> <p style="text-align: center;">FALSAFA / ФИЛОСОФИЯ / PHILOSOPHY</p> <p>Жўраев Н. Афғон синдроми41 Мусаев Ф. Конституция – ислохотларнинг асос пойдевори.....47 Бердиев Н. Концепции эстетического.....57 Юлдашева Ф. Глобал маънавият: хусусиятлари ва тенденциялари.....63 Омонов Б. Маърифатпарварлик ва жадидчилик ҳаракатининг ғоявий-сиёсий йўли.....69 Зоҳиров Р. Оила-улуғ мутафаккирларимиз нигоҳида.....76</p> <p style="text-align: center;">PEDAGOGIKA / PEDAGOGIKA / PEDAGOGY</p> <p>Рахимов О., Раҳимова Д. Форсайт тадқиқотлар ўтказиш методикаси.....85 Рўзиев А. Ўспирин ёшидаги талабаларда коммуникатив толерантлик даражасини аниқлашнинг социометрик таҳлили.....91 Холиқулов Б. Объектга йўналтирилган дастурлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш.....95</p> <p style="text-align: center;">FILOLOGIYA / FILOLOGIYA / PHILOLOGY</p> <p>Ибрагимов Ж. Жаҳон тилшунослигида валентлик назарияси.....98</p>



ҒАРБИЙ ЕВРОПА ШАҲАРЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ЭРКИНЛИК УЧУН ҲАРАКАТЛАР ТАРИХИДАН

Орзиев Махмуд Зайниевич
Бухоро давлат университети т.ф.ф.д. (PhD)
Одинаева Умида Усмоновна
Бухоро давлат университети магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта асрларда шакланган Ғарбий Европа шаҳарлари ва уларнинг сеньорларга қарши кураш жараёнида шаҳар ҳуқуқининг шаклланиши, сеньорлар билан аҳдлашув, шаҳарларда бошқарув, ижро ва суд соҳалари, ички бошқарув ва шаҳарлардаги ички бошқаруving ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таъсири, шаҳарларнинг қирол ҳокимияти таянчига айланиб бориш жараёнлари таҳлил қилинган.

Аннотация: В данной статье описывается процесс формирования городского права в средневековых западноевропейских городах и их борьба с сенаторами, заветы с сенаторами, влияние городского управления, исполнительной и судебной власти, внутреннего управления и городского управления на социально-экономические отношения. , процессы были проанализированы.

Abstract: This article describes the formation of urban law in the process of medieval Western European cities and their struggle against senators, covenant with senators, the impact of urban governance, the executive and the judiciary, internal governance and urban governance on socio-economic relations, processes were analyzed.

Калит сўзлар: Шаҳар, савдогар, дўкон, сеньор, аҳдлашув, хартия, Шульцгейтс, банналитет, скабин, Рихерцехе

Ключевые слова: Город, купец, лавка, сеньор, соглашение, хартия, Шульцгейц, пошлость, скабин, Рихерцехе.

Keywords: City, merchant, shop, senator, agreement, charter, Schultzeitz, banality, skabin, Richertsexe

Ғарбий Европани XI-XV асрларда камраб олган коммуна ҳаракати шаҳарларнинг сеньорлардан озод бўлишга қаратилган ҳаракат бўлиб, ушбу курашлар жараёнида шаҳарликлар қатор имтиёз ва эркинликларни қўлга киритган. Шаҳар эркинликларни унда сеньорларнинг роли, шаҳарни ташкил этиш ёки вужудга келтирувчи жараёнлар, шаҳарликлар билан ушбу кучларнинг ўзаро муносабатлари характеристикаси масаласи бугунги кунда ҳам кам ўрганилган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили Ғарбий Европадаги айрим шаҳарларни сеньорлар (дунёвий ёки диний) ташкил этганлигига оид маълумотлар мавжуд. Масалан, Фрайбург шаҳри асосчиси герцог Конрад Церингенский бўлиб ҳисобланади. У 1120 йилда ўз мулкида бозор ташкил қилиб, бир қатор савдогарлар билан шартнома тузган. Уларга бозорда дўкон қуриш, уй-жой учун ер ажратиб бериб, савдогарлар билан тузган хартиясида савдогарлар ва уларнинг авлодлари фойдасига бу ерларни абадий солиқ олмаслигини маълум қилган [4, 39]. Шунингдек, 1151 йилда Бранденбург маркграфини ўзининг Стендал деб номланувчи кишлоғида бозор ташкил этиш орқали савдогарларни жалб қилишга ҳаракат қилган. Бу ўлкада шу вақтгача бозор бўлмаганлиги билан боғлиқ маълумотлар тарихий адабиётларда маълумотлар сақланиб қолган [9, 359]. Келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, ўрта аср шаҳарларининг вужудга келишида савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этган деб ҳулоса қилиш мумкин.





Вужудга келган ўрта аср шаҳарлари айрим ҳолларда сеньорларнинг ўзаро кураш майдонига ҳам айланганлар. Масалан, 1143 йилда, граф Адольф Гольштейн Любек шаҳрига асос солган. Шаҳар тезда Фландрия, Фризия, Вестфалиядан кўчиб келган савдогарлар фаолияти натижасида йирик савдо-иқтисодий марказга айланган. Саксония герцоги Генрих Шер ўз вассали Адольф Гольштейндан Любек туфайли ўз мулкидаги Бардевик шаҳри савдосига путур етаётганлиги сабабли Любекдан олинган даромадни тенг иккига тақсимлашга буйруқ берган. 1158 йилда эса шаҳарни тўлик ўзиники қилиб олган. 1189 йилга келганда Бардевик шаҳрини бузиб аҳолисини Любек шаҳрига кўчиб ўтишга буйруқ берган [9, 360]. Албатта ушбу тарихий жараёнлар тинч йўл билан содир бўлмаган.

Шаҳарлар феодалларга мўмай даромад учун керак бўлиб, дастлабки вақтларда шу сабабли сеньорлар шаҳарларга ҳомийлик қилган. Шаҳарликлар гарчи крепостнойлар даражасида бўлмасда, феодалга расман қарам ва унинг ўлпон тўловчиси, мажбуриятларни бажарувчиси бўлиб қолаверган. Кёльн епископининг шаҳарликларга ноқонуний солиқ солишидан айниқса гўшт растаси катта зиён кўрган ва тез орада улар шаҳарни ташлаб кетган. Шунингдек, шаҳарликлар епископ вазирларининг дубулға ва совуғларини тозалашлари, епископнинг ов қуролини ва у ов қиладиган ҳудудларни тозалашлари каби мажбуриятларни бажаришлари лозим бўлган. Таниқли олим Н.А. Хачатурян фикрига кўра, “Феодализм тартиблари шаҳар томонидан озодликка эришиш масаласини тубдан ҳал қилиш лозим бўлиб, феодал жамият тартиблари, уюшган муҳолифат йўлидаги тўсиқ [8, 316]”-бўлган.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларда сеньорларнинг шаҳарларга ҳомийлик қилганлиги келтириб ўтилган. Шаҳар ва сеньор ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига сабаб эса феодал жамиятдаги сеньор ва вассал муносабатлари деб ҳисоблаш мумкин. Сеньорлар маълум бир муддат шаҳарга, савдо ва хунармандчилик ривожига ҳомийлик қилганлар. Шаҳарларнинг ривожланиб бориши билан сеньорлик тартиблари шаҳарликларга оғирлик қила бошлаган [2, 238]. Шу сабабли шаҳарларнинг сеньорларга қарши кураш жараёнлари содир бўлган. Шаҳарликлар энг аввало шаҳарни феодал ер-мулк рўйхатидан чиқариш, хунарманд ва савдогарларни эса шахсий қарамликдан қутқариш учун кураш бошланган. Шаҳарликларни шунчаки савдо ва хунармандчилик билан шуғулланиш имтиёзлари қониқтира олмаган. Шаҳарликлар кейинчалик сиёсий ва молиявий эркинликни талаб қила бошлаганлар ва сеньор билан курашда ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини талаб қила бошлаганлар [5, 27]. Масалан, Страсбург шаҳри аҳолисининг епископ билан XII аср охири ва 1214 йилда тузган шартномаси юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларимизга асос бўла олади. Биринчи аҳдлашувда шаҳарликлар епископ тайинлаган амалдор (Шультгейтс)лар томонидан бошқарилган в қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олганликларини кўриш мумкин. 1214 йилги аҳдлашувда эса шаҳарликларнинг бошқарув, суд ва ижро ҳокимиятидаги эркинликлари, ўрни ва роли белгилаб берилган [4, 96]. Дастлаб қисман ва кейинроқ эса автоном ҳуқуқларга эришиш деярли барча Ғарбий Европа шаҳарлари учун хос хусусият бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

Ғарбий Европанинг француз, Фландрия, немис шаҳарларида коммуна учун курашларнинг умумий хусусиятлари курашлар жараёнида шаҳарликларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари илгари сурилгани тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигини





кўриш мумкин. Шахарликлар иктисодий ҳаётда савдода бож тўловлари, турли йиғимларни, кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқидан тортиб, сиёсий масалаларда шаҳар ички бошқарувида ўз вакилларидан амалдор (судья, консул, магистрат)лар тайинлаш, пастор (майда диний амалдор)лар тайинлаш, ҳокимият органларига сайланиш ҳуқуқи кабилар учун курашлар олиб борилган. Бу каби ҳолатни Андернахт, Зёст, Кёльн, Липпштадт, Медебах, Фрайбург ва бошқа шаҳарларда бу ҳолни кузатиш мумкин [4; 93-94, 117, 121-123, 61-65, 115-116, 51, 39, 43]. Бизнингча, сеньорларнинг шаҳарларга эркинлик бериши ёки уларга кўпроқ имтиёз бериши бу энг аввало шаҳарларнинг ўсиб бориши ва аҳоли қатламларининг феодал тартибларга қарши тобора уюшқоқлик билан кураш олиб боришининг натижаси сифатида қаралиши лозим. Сеньорлар бирданига шаҳарларга эркинлик бермай, қисман ён беришлар орқали шаҳарларни ўзини молиявий ва ҳарбий таянчи сифатида сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Шу ўринда Реймс архиепископи ва Бомон шаҳри аҳолиси ўртасидаги аҳдномани келтириб ўтиш мумкин. 1182 йилги хартияга кўра, шаҳарликлар томонидан сайланган (мэр) ва архиепископ томонидан тайинланган вакил бошқариши, уларнинг бошқариш муддати бир йилдан ошмаслиги, бошқарув даврида шаҳарликлар даромади ва ўлпон масалаларига жавобгар бўлишлари, архиепископ тушумларни тенг иккига бўлиши, бир қисми шаҳар манфаатлари учун хизмат қилиши лозимлиги, шаҳарликлар эса, ўчоқ ва тегирмон банналитет мажбуриятини зиммаларига олиши, уй, ер, ушр солиқларини тўлашлари, экин ва ўтлоқ ерларидан фойдаланганликлари учун натурал ўлпон тўлашлари, шунингдек, архиепископнинг ҳарбий юришларида иштирок этишлари лозимлиги келтириб ўтилган. Мазмун шунга яқин хартиялар Шимолий Франция ва Фландриянинг 500 га яқин шаҳарларида мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин [66 151]. Шаҳарларнинг сеньорлар билан курашларидаги дастлабки ютуқлари шу тарика қўлга киритилган.

Айрим шаҳарлар бир неча сеньорларга қараган, яъни шаҳар бир неча сеньор ўртасида қисмларга бўлиб олинган. Ҳар бир сеньор ўзига қарашли шаҳар қисмидан турлича миқдорда солиқ ва ўлпон йиққан, мажбуриятлар белгилаган. Франциядаги Бовэ шаҳри мисолида кўрадиган бўлсак, бу шаҳар уч сеньорга қарашли бўлиб, шаҳарликлар томондан 1144 йилда имзоланган хартиянинг 17 моддасида “ҳар бир шаҳар девори ичкарисида яшовчи шахс шаҳарнинг қайси сеньорга қарашли ҳудудида яшашидан қатъий назар коммунага итбат этиши ва қасамёд қилиши[7, 76]”-лозимлиги таъкидланган. Сеньорлар бўлган руҳонийлар ва зодагонлар эса коммунага қасамёд қилувчиларни шаҳарга имкон қадар киритмасликка уринганлар. Шаҳарда Скабин (сеньорал) ва юрат (шаҳар) бошқаруви учун курашлар узок давом этган. Людовик VI 1122 йилда имзолаган, ва кейинчалик Людовик VII томонидан 1144 йилда ва Филип II Августлар томонидан 1182 йилда тасдиқланган хартияларда шаҳарликларни уччала сеньордан ҳам ҳимоя қилишга қаратилган [1, 346]. Бу шаҳарлар ва қирол муносабатларида ўзаро манфаатли бўлган марказлашиш жараёнлари сабаб содир бўлган.

Феодалларга қарам бўлган шаҳарларда турли ташкилот ва уюшмалар тузишда ҳам сеньорлар ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Масалан ҳунармандчилик устахоналари ташкил этиш, рўйхатга олиш скобанат (сеньорнал вакили) назорати остида бўлиб, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар шеффенлар (шаҳар вакили) назорати остида имзоланган. Масалан 1149 йилда муқаддас Гереон черкови томонидан хусусий шахслардан аллод ерларини сотиб олиниши “Кёльн шаҳри қонунини” асосида





амалга оширилган. Кёльндан солиқ йиғиш ва бошқа шаҳарлар билан савдо битимлари тузишда шаффе́нлар иштирокида амалга оширилган. Шунингдек, Кёльнда бошқарувнинг мураккаб системаси вужудга келиб, Рихерцехе (бойлар цехи-хунармандлар уюшмаси) рухсатсиз янги хунармандчилик цехлари очишнинг имкони бўлмаган. Рихерцехе ташкилоти XII асрнинг 70-йилларида Кёльнда кунлик аъзолик бадаллари тушуми, шогирдларнинг усталарга тўловлари, жарима тўловлари, кишлоқ хўжалик маҳсулотлар савдоси шартлари, вино, пиво сотилишини назорат қилганлар. Рихерцехенинг икки вакили ҳар кун бургомистр ва шеффе́н хузурда ҳисобот берган. Амалда рихерцехе архиепископни ўз ишларига аралаштирдан маҳрум қилган. Шу сабабли икки ўртада жанжал келиб чиқиб, 1258 йилда архиепископ империя олий ҳакамлик судига мурожаат қилган. Ўз аризасида архиепископ шаҳарликларни сеньориал ҳуқуқларини ноқонуний ўзлаштириб олганлигидан шикоят қилган [4, 65-72]. Шунингдек, шаҳарларнинг хўжалик асослари, ерга эгаллик ҳусусиятлари, сиёсий бошқарув, ҳуқуқий нормалар феодализмнинг инкор этишига қўйилаётган дастлабки кадамлар ҳам бўлган. Эркинлик хартиясини олгандан кейин шаҳарларда шахсан қарамлик тугатилсада, шаҳар умумий қарам жамоага айланиб қолган [7, 131]. Шаҳар жамоасининг кейинги вазифаси жамоавий қарамликдан қутилиш бўлган деб ҳулоса қилиш мумкин.

Антифеодализм курашлари ва коммуна ҳаракати натижасида шаҳарлар қўлга киритган имтиёзлар феодализмнинг ҳуқуқий монополиясига барҳам бериб, оддий аҳоли манфатларини ҳимоя қилган. Анналар мактаби асосчиларидан М.Блок фикрича, ўрта аср шаҳарлари жамоаси ҳаракати натижасида қўлга киритилган нисбий эркинлик, турмуш тарзи, кизикишлари, менталитет Ғарбий Европа феодализмнинг инклимида ҳақиқий “Бегона тана”ни ташкил этган. М.Блок издоши Ж.Ле. Гофф фикрича, коммуначилик ҳаракати вассаллик келишуви юқори ва қуйи табақаларнинг иттифоқи феодализмнинг титрата бошлаган ва феодализмнинг горизонтал феодализмнинг қарши қўйган [3, 272]. Г.Дж. Берман фикрича, XI-XIII асрлар ўрта аср Ғарбий Европа шаҳарларида норасмий жиҳатдан диний, қироллик, феодализмнинг қонунлари билан бир қаторда янги шаҳар қонунлари ҳам вужудга келганлигини таъкидлаган [1, 327]. Шунингдек, айтаётган бўлиши лозимки, XII-XIII асрларда шаҳар ҳуқуқи тушунчаси вужудга келган. Бу оддий инсонларни ҳам эркинлигини аниқлаётган бўлиб, бежизга ўрта асрларда “Шаҳар ҳавоси кишини эркин қилади”-деган ибора тарқалмаган. Император Фридрих II томонидан 13.VII. 1279 йилги шаҳар ҳуқуқи тўғрисидаги фармонида шаҳарда бир йил ва бир кун яшаган шахс феодализмнинг қарамликдан қутилган ҳисобланган [4, 144]. Бу қирол ҳокимиятининг шаҳарлар билан ҳамкорлиги вужудга кела бошлаганлигини кўрсатади.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрта аср Ғарбий Европаси шаҳарлари қўлга киритган имтиёзлар феодализмнинг инкор этиши учун катта зарба бўлиб, капитализмнинг дастлабки жамғарилишининг илк қўртаклари эди. Шунингдек, коммуна ҳаракатлари Европа демократиясининг вужудга келишининг илк босқичи бўлган. Шаҳар ҳуқуқи тушунчаси вужудга келиб, шахс эркинликлари, парламентаризм ғоялари кучайиб борганлигини кўриш мумкин.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Берман Г. Дж. Западная традиция права: эпоха формирования. / пер. с англ. – 2-е изд. – М.: Изд-во МГУ: Издательская группа ИНФРА-М – НОРМА, 1998. - 624 с.
2. Гутнова Е. В. (ред.) История Европы с древнейших времен до наших дней. В 8-ми томах. Т. 2. Средневековая Европа - М.: Наука, 1992. - 808 с.
3. Ле Гофф Ж. Цивилизация средневекового Запада / Пер. с фр. Под общ. ред. В. А. Бабинцева; Послесл. А. Я. Гуревича. – Екатеринбург: У-Фрактория, 2005. – 506 с.
4. Средневековое городское право XII–XIII вв. / Сб. текстов. сост. Т. М. Негуляева, Л. И. Солодкова. – Саратов: Изд-во сарат ун-та, 1989. - 180 с.
5. Сванидзе А. А. Средневековые города Западной Европы: некоторые общие проблемы // Город в средневековой цивилизации Западной Европы. Т. 1. Феномен средневекового урбанизма. - М.: Наука, 1999. – С. 25-38.
6. Солодкова Л. И. Город в правовой системе средневековой Западной Европы (к историографии вопроса). <https://studfile.net/preview/5259981/>

**“ИЗ ИСТОРИИ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ БУХАРЫ”
ТЎПЛАМИДА МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 100 йиллигига бағишланади

Шерали Жўраев, Ўктамали Равшанов
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
илмий ходимлари

Аннотация: Мақолада Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг ўз илмий наири саналган “Из истории культурного наследия Бухары” тўпламида наир этилган музей экспонатларига оид мақолалар таҳлил қилинади. Асосий маълумотлар тўплам саҳифаларидан ўрин олган музей ходимлари ва тадқиқотчиларнинг мақолалари асосида ёзилган. Тўпламнинг 11 сониди эълон қилинган мақолалар илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ундан олинган хулосалар ҳам тақдим этилади.

Калит сўзлар: Бухоро музей, экспонат, тарих, Мирза Сомий, ҳужжат

Аннотация: В статье анализируются публикации о музейных экспонатах, опубликованные в сборнике “Из истории культурного наследия Бухары”, который считается научным изданием Бухарского музея-заповедника. Основные информации были написаны на основе статей сотрудников музея и исследователей, которые размещены на страницах сборника. Статьи, опубликованные в 11 номере сборника, подвергаются научному анализу, также представлены выводы, сделанные на его основе.

Ключевые слова: Бухара музей, экспонат, история, Мирза Сомий, документ.

Annotation: The article analyzes publications about museum exhibits published in the collection “From the history of the cultural heritage of Bukhara”, which is considered a scientific publication of the Bukhara Museum-Reserve. The main information was written on the basis of articles by museum staff and researchers, which are posted on the pages of the collection. The articles published in the 11th issue of the collection are subjected to scientific analysis, and the conclusions drawn on its basis are also presented.

Key words: Bukhara museum, exhibit, history, Mirza Somi, document

